

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИ: ЯНГИ ТАШАББУСЛАР, ҚУЛАЙЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 22 август куни Халқаро конгресс марказида тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди.



Давлатимиз раҳбари тадбир аввалида юртимиз ишбилармонларини Тадбиркорлар куни байрами билан табриклаб, улар мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда асосий куч эканини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 августдаги Фармониға мувофиқ, Тадбиркорлар куни муносабати билан мам-

лакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 29 нафар фидойи ва илғор тадбиркор ордени ва медаллар билан мукофотланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар топширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 августдаги қарори билан “Фаол тадбиркор” кўрак нишони таъ-

сис этилган эди. Мазкур мукофотга сазовор бўлган 100 нафар тадбиркорга ҳам жойларда ушбу янги кўрак нишони топширилмоқда. Давлатимиз раҳбари мулоқотда, аввало, ўтган йилги учрашувдан бери бажаришган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Жумладан, бизнес муҳит яхшиланган

натижасида ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етган. Яна минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказган, 220 на-

фарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етган. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингта бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Ҳурматли тадбиркорлар, очик мулоқот иштирокчилари!

Бугун Тадбиркорлар куни муносабати билан мамлакатимиз бизнес ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлган сиздек азиз инсонлар билан қўришиб турганимдан гоёта мамнунман.

Бугунги мулоқотимиз энг улғ ва энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида ўтаётгани, ҳеч шубҳасиз, унга алоҳида мазмун ва руҳ бағишламоқда, десам, тўғри бўлади.

Бундан бир йил олдин сизлар билан мана шундай эзгу анъанани йўлга қўйганимиз жуда тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Ўтган йилги учрашув арафасида ва тадбир давомида сизлардан келиб тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва тақлифларни амалга оширишга қаратилган катта дастур, 70 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилдик. Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун

130 триллион сўм кредитлар, 3,5 триллион сўмлик субсидия ва компенсациялар ажратдик.

Ўтган йилги учрашувимиз арафасида хорижий валютада кредит олган ва валюта курсининг мунтазам ўсиши сабабли қийин аҳволга тушиб қолган юзлаб тадбиркорларимиздан мурожаатлар келиб тушган эди. Шундай муаммога дуч келган тадбиркорларнинг мушуқлини осон қилиш мақсадида уларнинг 123 миллион долларга тенг кредитларини миллий валютага ўтказиб бердик. Ушбу амалиётни давом эттирамиз.

Қурилиш саноатида цемент, чарм-саноатда бўёқлар ва киёмвий моддалар, мебель саноатида МДФ, фурнитура ва аксессуарлар каби жами 82 турдаги хомашё ва яримтайёр маҳсулотлар импорт божидан озод қилинди, натижада маҳсулотларнинг таннаркини камайтириш учун шароит яратилди. Умуман, ижобий мисол сифати-

да кўрсатадиган натижаларимиз кўп. Мен улар ҳақида кўп тўхталмасдан, айнан бизнес муҳитнинг яхшиланганини кўрсатувчи мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Эътибор беринг, ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилди. Ўрни тадбиркорлар келажака ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтирмоқда. Шунингдек, тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ошиб, 26 мингтага етди. Яна 1 минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказди. Тадбиркорларимиздан 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етди, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди.

Албатта, бундай ютуқларга эришиш осон бўлмапти. Мен буни яхши ту-

шуаман. Ушбу ютуқлар негизда сизларнинг тинимсиз ва машаққатли меҳнатингиз турганини аниқ биламан ва қадрайман.

Бугун ушбу минбардан туриб бир гапни баралла айтмоқчиман: **мен сизларни фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари, деб биламан ва бу йўлда сизлар билан доим биргаман.**

Ҳозиргина 29 нафар бизнес вакилларимизга уларнинг фидокорона меҳнатини эътироф этиб, давлатимизнинг юксак ордени ва медалларини топширдим. Шунингдек, кун кеча 100 нафар ишбилармонларимиз “Фаол тадбиркор” кўрак нишонига сазовор бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тадбиркорларимизни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Ҳурматли тадбиркорлар! Дунёдаги ҳозирги вазиятни қўриб турибсиз, унинг жаҳон иқтисодиётга салбий таъсири ортиб бормоқда.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ташқи савдо, логистика, озиқ-овқат ва хомашё нархлари, энергия билан барқарор таъминлашдаги муаммолар тадбиркорларни албатта хавотирга солмоқда.

Шу боис ушбу хавф-хатарларнинг иқтисодиётимизга таъсирини камайтириш ва барқарор ривожланиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Бу жараёнда тадбиркорларимиз билан доимий мулоқот қилиб, келгусидаги барча саъй-ҳаракатларимизни бамаслаҳат давом эттирамиз.

Ҳурматли бизнес вакиллари!

Бугунги мулоқотимиз арафасида тадбиркорларимиздан 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатлардаги саволлар, билдирилган тақлиф ва ташаббусларнинг мазмуну билан батафсил танишиб чикдим. Шунингдек, вазирлар ва ҳокимлар бизнес вакиллари билан алоҳида мавзулар бўйича учрашди. Ана шу учрашувларда сизлар

кўтарган муаммолар, берган тақлиф ва ташаббуслардан ҳам хабардорман.

Чиндан ҳам, бугунги кунда бизнес вакилларида ечимини қутаётган кўплаб масалалар йиғилиб қолган.

Биринчи — янги лойиҳаларни бошлаш, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни кўпайтириш учун тадбиркорларда 6 миллиард доллар қўшимча кредитларга эҳтиёж мавжуд. Бу ҳақда 3 мингта яқин мурожаат келиб тушган.

Иккинчи — 1,5 минг тадбиркор солиқ маъмурчилигининг мураккаблиги ва текширувлар бўйича ўз эътирозларини билдирган.

Учинчи — тадбиркорлик учун шароитлар барча туман ва шаҳарларда ҳам бир хил эмас. Бунга яқинда жорий этилган ҳудудларнинг инвестициявий рейтингини яққол кўрсатиб берди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

22 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, бўлажак олий даражадаги тадбирларни ҳисобга олиб, минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди. Жорий йил сентябрь ойи ўртасида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғи-

лиши доирасидаги учрашувларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Россия Президентлари, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Хукуматлар ва идоралар даражасидаги фаол алоқалар ва алма-

шинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватладилар. Шу муносабат билан жорий йилнинг кузида мамлакатимизда Худудлараро форумнинг ўтказилишига муҳим аҳамият берилмоқда.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни АҚШ Конгресси аъзолари Трент Келли ва Дэрин Лахуд иштирокидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Парламентлар ўртасида фаол алмашинувларни ҳамда конгрессменлар вакиллик қилаётган Миссисипи ва Иллиной штатлари билан амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда эришилган юқори даража мамнуният билан

қайд этилди. Самарали мулоқотлар кенгаймоқда, ўзаро таширлар амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ўтган йилда 53 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 20 фоизга ошди. Бозоримизда муваффақиятли фаолият юритаётган АҚШ компанияларининг сони ортиб бормоқда.

Мисол тариқасида «Silverleaf» компаниясининг Жиззах вилоятидаги агрокластерни ривожлантириш борасидаги сермахсул фаолияти кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Конгрессида фаолият юритаётган Ўзбекистон бўйича кокуснинг натижадор ишини юксак баҳолади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, саноат ва юқори технологиялар соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

АҚШнинг ушбу ҳудудларидан ишбилармонлар делегацияларининг мамлакатимизга таширларини ташкил этишга келишиб олинди.

ЎзА.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклида сўзлаган нутқи

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Барча туман ва шаҳарларда тадбиркорликини тенг ривожлантириш бўйича ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ёндашувлар зарур.

Тўртинчи — инфратузилмага ула-ниш, ер ва жой ажратиш масалала-ри бўйича бизнес вакилларининг кўплаб муаммолари ҳал этилмасдан турибди. Бу борада ҳам 2 мингдан ортиқ мурожаатлар бор.

Бешинчи — мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолиятига аралашиш ҳам бизнес вакилларини жиддий ташвишга солаётгани сир эмас.

Олтинчи — бизда кичик ва ўрта бизнес тушунчалари, уларнинг ўсиши-га туртки берадиган алоҳида кўлаб-куватлаш чоралари белгиланмаган.

Сизлар кўтарган ана шундай масалалар ўринли.

Бир нарсани очик айтмоқчиман — ҳамма муаммоларни бирдангина ҳал қилиш мумкин эмас. Лекин бу-гун кўплаб масалаларга ечим топиш-га ҳаракат қиламиз, қолганлари бўйича бизнес вакиллари ва эксперт-лар билан ҳамкорликда ишлаймиз.

Ҳозир мен 5 та йўналишдаги та-шаббусларни айтиб ўтсам-да, кейин сизларнинг фикр-мулоҳаза ва та-клифларингизни кўриб чиқсак.

Хурматли очик мулоқот иштирок-чилари!

Айтиб ўтганимдек, биринчи йўналишда — корхоналарни тоифа-ларга ажратиб, уларни кўлаб-қув-ватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаб олишимиз зарур. Бунда корхоналарни уларнинг йиллик ай-ланмаси бўйича тоифаларга ажра-тамиз. Уларнинг 1 миллиард сўмга-ча бўлгани — микро бизнес, 10 мил-лиард сўмгача бўлгани — кичик биз-нес, 100 миллиард сўмгача бўлга-ни ўрта бизнес тоифасига киради.

Шундан келиб чиқиб, **биринчи-дан**, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан оли-надиган солиқнинг амалдаги 4 фоиз-дан 25 фоизгача бўлган ставкала-ри ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Бунда олис ҳудудлардаги ва алоҳида то-ифадаги тадбиркорлар учун амал-даги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади. Ўки улар ихтиёрий ра-вишда йилга 20 — 30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади.

Бундан ташқари, айланмаси 1 мил-лиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғи-ни 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркор-га енгилликлар яратади ва уларга жуда катта стимул беради.

Айни пайтда айланмаси 10 мил-лиард сўмгача бўлган тадбиркор-ларга хабардор қилиш орқали солиқ тўловларини олти ойгача фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имко-нияти берилади (амалда 15 фоиз-лик ставка қўлланади), агар тад-биркор хоҳласа, унинг солиқ ҳисо-ботларини солиқ идоралари кўмак-чи бўлиб юритиб беради.

Иккинчидан, тез ўсиб бораёт-ган салоҳияти юқори бўлган ўрта кор-хоналар сонини ҳозирги 3,5 мингта-дан 10 мингтага етказишимиз за-рур. Бунинг учун 2023 йил 1 январ-дан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди. Шунингдек, мулкни сугурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади.

Бундан ташқари, соддалашти-рилган солиқ, молиявий ва стати-стика ҳисоботлари жорий этилади.

Давлат харидларида 20 фоиз квота ўрнатилиб, ушбу харидлар доирасида мақzur тоифадаги кор-хоналарга олдиндан 50 фоиз маблағ тўлаб берилади (амалда 15 фоиз).

Учинчидан, ўрта корхоналар-нинг ривожланиши ва рақобатдош бўлишда халқро стандарт ва сер-тификатлаш тизимини жорий этиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришга қанчалик тез жорий этилса, ички бозорда сифатли махсу-лотларимиз ҳам кўпаяди. Афсуски, буну ўз кучи билан амалга оши-риш учун тадбиркорда маблағ ҳам, тажриба ҳам етарли эмас.

Шу боис Бош вазир ўринбоса-ри Ж.Ходжаев, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентли-ги (Д.Саттаров) бир ой муддатда ҳар бир ҳудуд ва тармоқ кесимида баҳарлиладиган аниқ тадбирлардан иборат қарор лойиҳасини киритсин.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масала-лардан бири — бу қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва қайтариш билан боғлиқ.

Эсингизда бўлса, бундан 3 йил олдин қўшилган қиймат солиғи фа-қат экспортчи корхоналарга қайта-рилар эди. 2020 йил 1 июлдан бошлаб эса, ушбу солиқни барча корхона-ларга қайтариб беришни бошла-

дик. Бунинг ҳисобидан бундай солиқ тўловчилар сони 25 баробар ошиб, 160 мингтага етди.

Бизнес учун солиқ юқини туши-риш сиёсатини давом эттириб, ол-динги очик мулоқотда қўшилган қиймат солиғи ставкасини янада ту-ширишни келишиб олган эдик.

Очик айтишим керак, “Иктисодиёт пандемия туфайли ҳали тўлиқ тик-ланмади, жаҳон иктисодиётидаги вазият яхши эмас, шу сабабли буни кейинга қолдирайлик”, — деб та-клиф берганлар ҳам бўлди. Лекин сизларни ишонтириб айтаман: биз ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизга туширамыз.

Шу билан бирга, тадбиркорла-римизда ушбу солиқ бўйича кўплаб саволлар, тушунмовчиликлар бор.

Бир фикрни таъкидлаб айтмоқ-чиман, қўшилган қиймат солиғи иктисодиётимиздаги “касаллик-лар”ни, хуфйёна жараёнларни, ҳисоб-китоблардаги “заиф жойлар”-ни кўрсатиб бермоқда.

Мени энг ташвишга солаётган жиҳат шуки, “зачётга олиш”даги нотўғри ишлар туфайли ҳалол тадбиркорларимиз, жумладан, экспортёр-ларимиз ҳам азият чекмоқда.

Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров ва Ж.Ходжаев, Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Қудбиев), Сав-до-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) бизнес вакиллари ва экспертлар билан бирга, икки ой муддатда қўшилган қиймат солиғи бўйича ке-либ қаёқётган муаммоларни очик муҳокама қилиб, аниқ ечимлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқсин.

Лекин буни кутмасдан, жорий йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қий-мат солиғи бўйича ҳисоб-китоби тўлиқ йўлга қўйилган корхоналарга маблағларни 7 кун ичида қайтариш тизими жорий этилади.

Ҳукумат комиссияси (Ж.Ходжаев) бундай тоифага тушадиган тадбир-корлар рўйхатини шакллантириб, амалий ишларни ташкил этсин.

Бешинчидан, жорий йил 1 июл-дан бошлаб бўш бино, фойдала-нилмаётган ер участкасига нисба-тан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бе-кор қилинди. Лекин аввал ошириб ҳисобланган солиқлар нима бўлади, деган савол 19 минг тадбиркорни безовта қилмоқда ва бу бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушган.

Шуларни инобатга олиб, тадбир-корларнинг оширилган солиқ став-каларни бўйича ҳисобланган 2 трил-лион сўмлик қарзларидан бутунлай воз кечсак, нима дейсизлар?

Иккинчи йўналиш — тадбиркор-ларимиз ўз фаолиятини кенгайти-риш, янги лойиҳаларни амалга оши-риш учун қулай молиялаштириш ти-зимини ташкил этишни сўрамоқда.

Биринчидан, кичик бизнес лойи-ҳаларига 20 триллион сўм йўнали-тирилади. Жумладан, келгуси бир йил учун Молия вазирлиги микро ва ки-чик бизнес лойиҳалари бўйича “Микрокредитбанк”, “Агробанк” ва Халқ банкига 500 миллион доллар ресурс ажратади.

Ушбу маблағлар ўз фаолиятини энди бошлаган тадбиркорларнинг кичик лойиҳалари учун 300 миллион сўмгача, 5 йил муддатга, 2 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Бундан ташқари, халқро молия институтлари билан тадбиркорла-римиз учун 1 миллиард доллар узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш бўйича аниқ келишувларга эришдик. Шундан 300 миллион дол-ларга аёллар ва ёшлар тадбиркор-лиги лойиҳаларига ажратилади.

Бу ҳақда сўз юритганда, ЈСАдан — 400 миллион доллар, Европа-тикланиш ва тараққиёт банкидан — 150 миллион доллар, Жаҳон банки-дан — 150 миллион доллар, Осиё тараққиёт банкидан — 120 миллион доллар, Ислом тараққиёт банки ва савдо-молия корпорациясидан — 180 миллион доллар жалб этиш бўйича келишувларга эришилгани-ни қайд этиш лозим.

Бунга қўшимча равишда давлат банкларига соф фойдасидан 2 трил-лион сўмни ўзларида қолдириш ва кичик тадбиркорларнинг лойиҳалари учун йўналтириш имконияти яратилади.

Ҳабарингиз бор, апрель ойида микро молиялаш фаолиятига куч-ли туртки берадиган қонун қабул қилдик. Лекин, афсуски, тадбиркор-ликини ривожлантиришда ханузгача бу тизимнинг ўрни сезилмааяпти.

Марказий банк раиси М.Нурмуратов эски тизимдан воз кечиб, микро-молиялаш ташкилотлари ривожла-нишига тўсиқларни олиб ташлаши керак. У адлия вазирни Р.Давлетов билан бирга ҳар уч ойда бизнес вакиллари билан учрашиб, янги қонуннинг амалда ишлашига масъул ва жавобгар бўлади.

Умуман, икки ой муддатда мик-ромолиялаш ташкилотларига қўшим-ча маблағларни жалб қилиш, улар-

нинг кредитлаш имкониятларини кенгайтириш бўйича алоҳида чора-ларни белгилаб, йил якунига қадар кескин ўзгариш қилиш лозим.

Иккинчидан, тижорат банклари ўрта бизнес лойиҳалари учун халқро молия бозорларидан давлат қафо-латисиз 700 миллион доллар маб-лағ жалб қилади. Бунда 5 миллион долларгача кредитлар ўрта тадбир-корларга 7 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Шунингдек, тижорат банклари давлат ресурс ажратишини кутиб ўтирмасдан, депозитлар ҳисобиغا 20 триллион сўмни жалб қилади ва қўшимча кредитларни беришга йўналтиради.

Учинчидан, ҳудудларда 109 на-фар ўрта бизнес вакиллари қийма-ти 4,6 миллиард долларлик 111 та йирик лойиҳани амалга ошириш ташаббуси билан чиққан. Бу орқа-ли 45 мингта иш ўрни яратилади.

Бугунги учрашувда ушбу ташаб-бусни илгари сурган бизнес вакил-ларининг кўпларини кўриб туриб-ман. Улар ўз ҳисобидан 1,6 миллиард доллар ҳамда 1 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этишга тайёр. Қолган 2 миллиард долла-ри учун узоқ муддатли кредитлар зарур. Шу мақсадда “Миллий банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Ипоте-кабанк” ушбу маблағларни жалб қилиш бўйича манзилли ишлайди.

Ташаббус кўрсатиб, ҳам ўз фао-лиятини кенгайтирган, ҳам бошқа кор-хоналарнинг ўсишига кўмак беради-ган бундай тадбиркорларни давлат ҳар томонлама кўлаб-қувватлайди.

Бош вазир ўринбосари Ж.Ходжаев ва инвестиция ва ташқи савдо ва-зирлигининг биринчи ўринбосари А.Войтовга топириқ: ушбу лойи-ҳаларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимларининг инвестициялар бўйича ўринбосарлари, Ҳукумат ва вазирликлардан масъулларни би-риктириб, муаммоларини ҳар 15 кун-да шахсан муҳокама қилиб, ечим-лар топиб борсин. Ҳар чорақдай лойиҳаларнинг бориши бўйича Президент Администрациясига ахборот киритиб борсин.

Бундан ташқари, молия вазири Т.Ишметов четдан жалб қилиниб, банкларга жойлаштирилган ресурс-ларни тадбиркорларга ажратиш муддатларини 2 баробар узайтир-син. Яъни кредитлар аввалги 7 йил ўрнига 14 йилгача ажратилади. Бунда Молия вазирлиги фоиз став-касини 14 фоиздан, хорижий ва-лютладаги кредитлар бўйича мар-жасини эса 0,25 фоиздан оширмай-ди (ҳозирги вақтда 1 фоизгача).

Тўртинчидан, кредитлашда асосий муаммолардан бири — гаров таъми-нотининг етишмаслиги ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, банкларга му-рожаат қилган тадбиркорларнинг 16 фоизда гаров етишмаслиги са-бабли уларга кредит бериш рад этилган.

Шу боис Тадбиркорлик жамғар-маси томонидан кафилиик бериш имкониятлари қўшимча 2 баробар оширилади (ҳозирги кунда 10 трил-лион сўм).

Натижада камида 15 минг нафар тадбиркорнинг бизнес лойиҳалари учун кредит олишдаги гаров маса-ласи ҳал бўлади. Тадбиркорлари-миз бундан анча чарчаган.

Кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, очилган аккредитивлар ва келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш вақти келди.

Марказий банк (М.Нурмуратов) 1 октябрдан ушбу тизимни барча банкларда жорий этишни таъмин-ласин ва барча тижорат банклари раҳбарлари билан бирга ушбу ме-ханизмлар тўлиқ ишлаб кетишига масъул бўлади.

Учинчи йўналиш. Кредит бе-риш, бу — масаланинг бир томо-ни. Бизнес юриб кетиши учун етар-ли шарт-шароити, инфратузилма ва кафолатли бозор керак.

Шу сабабли, **биринчидан**, ту-ман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувларни жорий этамиз. Ма-салан, Тошкент вилоятидаги Қибрай тумани билан Оққўрғон тумани, Бухоро вилоятининг Гиждувон ту-мани билан Олот туманида бизнеси бошлаш ва юритиш учун шароитлар мутлақо ҳар хил бўлса-да, ҳамма талаб ва ёндашувларимиз бир хил бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун келгуси йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажрати-лади. Уларда солиқ, субсидия, кре-дит фоизлари учун компенсация ва кафилиик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

Иккинчидан, бизнес учун бар-ча шароит ва инфратузилмага эга бўлган замонавий саноат зонала-рини кўпайтирамыз.

Оддий мисол, бундан 3 йил ол-

дин Тошкент шаҳрида ташкил этил-ган Технопарк йилига 300 миллион доллар маҳсулот ишлаб чиқариб, 120 миллион доллар экспорт қил-моқда. Бундай технопарклар барча ҳудудларда бўлиши керак. Шу боис ҳар бир вилоятда 100 тадан корхо-на учун йирик саноат зоналари ташкил этилади. Уларга инфрату-зилма тармоғи давлат томонидан олиб келинади, бизнес учун ишлаб чиқариш бинолари тайёр ҳолда тақлиф этилади, уларни бошқариш учун бу соҳада малакали хорижий компаниялар жалб қилинади, Инно-вациялар ва инжиниринг маркази ҳамда замонавий лабораториялар ташкил этилади.

Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров ва Ж.Ходжаев вилоят ҳокимлари билан бирга шу маса-лалар юзасидан икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида дас-турларни тасдиқлаб, амалий иш-ларни бошласин.

Учинчидан, ўтган йили қийма-ти 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳаларни барча инфра-тузилма тармоқларига улашни давлат ўз зиммасига олди.

Бу борада тадбиркорларимиз-дан тушган тақлифлардан келиб чиқиб, яна бир имконият яратамиз. Яъни бундай лойиҳалар бўйича тадбир-корлар инфратузилмага ўз мабла-гини сарфласа, уларнинг солиқ база-си шунча суммага камайтирилади.

Тўртинчидан, биз 2021 йил но-ябрь ойида ер участкаларини ху-сусийлаштириш бўйича қонун қабул қилдик.

Жараён яқинда бошланганига қарамасдан, ҳозирги кунгача 10 минг-га яқин мурожаатлар келиб тушди.

Тадбиркорларимиз учун қўшим-ча қулайлик яратиш бўйича яна бир тақлиф бор.

Хусусийлаштириш учун белгилан-ган ер солиғининг 20 қарраси миқ-доригади тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 қаррага (яъни 1 сотих учун ўртача 6 миллион сўмга), бошқа ҳудудларда 5 қаррага (1 миллион сўм) пасайтирилади.

Шу билан бирга, кўплаб тадбир-корларимизни қийнаб келган яна бир масала — амалдаги тартиб бўйича юридик шахс тугатилгани-да, унинг ерга бўлган ҳуқуқи ҳам бе-кор қилинмоқда. (Бу тартиб 1998 йил-да ўрнатилган ва ўша вақтда ер-нинг бозор қиймати бўлмаган).

Бундан бўён аукционда ер сотиб олган тадбиркор бирор-бир сабаб-га кўра фаолиятини якунласа, унинг ерга бўлган ҳуқуқи албатта сақла-ниб қолиши шарт.

Бешинчидан, тадбиркорлари-мизнинг жойга бўлган эҳтиёжлари-ни қондириш учун йил якунига қадар қўшимча 10 мингдан ортиқ ер участкалари савдога чиқарила-ди, аукционга чиқариш муддати амал-даги 80 кундан 30 кунга қисқартири-лади, чекка ҳудудларда ерларни аук-ционга чиқаришда пасайтирилган коэффицентлар қўлланилади, бўш турган объектларни аукцион орқали ижарага бериш муддати амалдаги 1 йилдан 3 йилга узайтирилади.

Тўртинчи йўналиш. Тадбир-корларимиздан мулк хуқуқини ҳимоя қилиш масаласида 1 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Энди хусусий мулкка муносабат мутлақо бошқача бўлади.

Биринчидан, бундан бўён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорлар-ни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибидеа амалга оширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳокимларнинг эътиборини бир ма-салага қаратмоқчиман — мулк хуқуқига оид қарорларни улар то-монидан бекор қилишга йўл қўйил-майди. Яъни ҳуқуқ берувчи ҳужжат-ни фақат суд ҳақиқий эмас, деб то-пиши мумкин бўлади.

Иккинчидан, тадбиркорларни қийнаётган яна бир амалиёт — тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйиш.

Мисол учун, ўтган 3 йилда тер-говчилар томонидан аниқланган за-рардан икки баробар кўп мол-мулк хатланган (1,5 триллион сўм).

Энди ҳар бир хатловнинг асосли экани суд томонидан кўриб чиқила-ди, қарорни фақат суд қабул қила-ди. Ҳайломанки, шундагина адолат бўлади.

Учинчидан, тадбиркорларнинг судларга мурожаат қилиш имкони-яти кенгайтирилади. Бунда улар-нинг маъмурий судларга ариза бе-ришида давлат божи ставкаси 2 ба-робар камайтирилади.

Давлат божи ставкаси даъво миқ-дориға қараб эмас, балки қатъий суммада белгиланишни шарт бўла-ди (ҳозирги вақтда даъво сумма-сининг 2 фоизи миқдориди).

Тадбиркорларнинг солиқ идора-ри қарори устидан судга шикоят киритиш муддати ҳозирги 1 ойдан 3 йилга узайтирилади.

Тадбиркорнинг банкдаги ҳисоб

рақамидан маблағини унинг рози-лигисиз кўчириш ёки олиб қўйиш мумкин эмас, ортиқча ундирилган тўловлар ўз вақтида қайтарилиши шарт. Ушбу талабни бузган раҳбар-лар учун қонун билан маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритишни тақлиф қиламан. Бу тақлиф тадбир-корларимизга маъқул бўлади, деб ўйлайман.

Бешинчи йўналиш — тадбир-корлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари билан боғлиқ.

Биринчидан, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йил-лик мораторий эълон қилинади.

Шунингдек, тадбиркорларга нис-батан мажбуриятлар юқлайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилин-ганида, йўл қўйган хатоси учун тад-биркорга 6 ой давомида жазо қўлланилмайди.

Келгуси йилдан 26 та идоранинг такоррланувчи назорат функцияла-ри бекор қилинади.

Иккинчидан, кичик бизнес ва-киллари томонидан солиқ текши-рувлари билан боғлиқ жарималар-нинг тури кўплиги ва оғирлиги ма-саласи бўйича жуда кўплаб муро-жаатлар келиб тушди.

Мисол учун, бугунги кунда айлан-мадан солиқ тўлаётган 370 минг-дан зиёд кичик тадбиркорларнинг солиқ бўйича ўртача ойлик тўлови 1 миллион сўм атрофида. Лекин касса чеки бермагани учун 5 мил-лиондан 10 миллион сўмгача мо-лиявий, шунингдек, 3 миллиондан 12 миллион сўмгача маъмурий жа-рима солинади. Яъни кичик тад-биркорлар учун ҳам, йирик корхо-налар учун ҳам жазо бир хил.

Умуман, савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорларимизни қарийб 30 йилдан бери қийнаб ке-ладиган муаммо ҳам ечилиди, яъни савдо қоидаларини бузганлик учун жи-ноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилина-ди (Жиноят кодексининг 189-моддаси). Биринчи марта хато қилган ки-чик бизнес вакиллариға жазо чо-раси қўлланилмайди. Бунинг ўрни-га камчиликларни бартараф этиш-га солиқ идоралари кўмакчи бўла-диган тизим жорий этилади.

Жарималар миқдори ҳам тад-биркорларнинг тўлаётган солигидан ошииб кетмаслиги керак.

Бизнес-омбудсман (Д.Қосимов), Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Қудбиев) икки ой муддатда ушбу енгилликлар бўйича қонун лойиҳасини киритсин.

Учинчидан, 1 ноябрдан ҳар қан-дай текширишлар фақат ва фақат Бизнес-омбудсманда янги ишга ту-шириладиган электрон платформа орқали амалга оширилади.

Барча турдаги текширувлар Биз-нес-омбудсман томонидан муво-фикаштирилиши керак.

Умуман, адлия вазири Р.Давлетов, Бизнес-омбудсман Д.Қосимов икки ой муддатда тадбиркорларнинг та-клифларини чуқур ўрганиб, текши-рувларнинг муддатларини қисқарти-риш, молиявий хато ва камчилик-ларнинг минимал чегаравий миқ-дорини белгилаш, текширув жара-ёнларидан тадбиркорни хабардор қилиш ва шикоятларни очик-ошко-ра кўриб чиқиш бўйича қонун лойи-ҳасини ишлаб чиқсин.

Шу билан бирга, 1 октябрдан бошлаб солиқ низоларини ҳал қилиш бўйича Солиқ кўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қўшма Апелляция кенгаши ташкил қили-нади. Кенгашга Аудиторлар ва Солиқ маслаҳатчилари палаталари, Бухгалтерлар ассоциацияси вакил-лари, тадбиркорларни ҳам киритиш керак бўлади.

Хурматли тадбиркорлар! Бугун билдирилган ташаббуслар ижросини ташкил этиш бўйича ҳам янги тизим, бизнес билан чинакам ҳамкорликда ишлайдиган муҳит шакллантиришимиз лозим. Бунинг учун туман ва шаҳар марказларида Тадбиркорлар хиёбонларини таш-кил этишни тақлиф қиламан.

Бу ерда тадбиркорлар, банк ва-киллари, инвесторлар учун бизнес лойиҳаларини муҳокама қиладиган муҳит пайдо бўлади, “B2B”, ковор-кинглар учун қулай шароитлар, Wi-Fi зоналар бўлиши керак. Туман, ша-ҳар фаол тадбиркорларининг эришган натижалари йил давоми-да “Фаровонлик бунёдкорлари” кўргазмаларида намоиш этилса, биласизларми, уларнинг шижоати ва қайфияти қандай кўтарилади!

Шунингдек, ўн нафар шоғирд тадбиркор тарбиялаган бизнес ва-киллариға алоҳида солиқ имтиёз-ларини жорий этамиз.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИ: ЯНГИ ТАШАББУСЛАР, ҚУЛАЙЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ушбу, навбатдаги мулоқот арафасида ҳам “Call-марказ” ташкил этилди ва тадбиркорлардан 12 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Уларда шахсий ёки маҳаллий муаммолар билан бирга тизимли масалалар ҳам кўтарилган. Улар бўйича энг мақбул йўллари топиш учун тахлилий иш олиб борилиши қайд этилди.

Президент бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтиб, уларнинг ҳар бири бўйича қўллаб ташаббусларни илгари сурди.

Биринчи йўналишда корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувлар белгиланди.

Хусусан, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган корхоналар — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес ва 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига кирди.

Шундан келиб чиқиб, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига янча 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади.

Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда со-

лигини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга енгиллик яратади.

Юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини кўпайтириш зарурлиги таъкидланиб, улар учун қатор солиқ ва компенсация имтиёзлари белгиланди.

Ўтган йилги очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари бизнес учун солиқ юқини қамқайтириш сиёсатини давом эттиришга ваъда берган эди. Пандемия келтирган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши маълум қилинди.

Тадбиркорлар учун яна бир енгиллик. Жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино ёки фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Президентимиз тадбиркорларнинг шу таразда илгари ошириб ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан ҳам воз кечишини айтди.

Иккинчи йўналиш қулай молиялаштириш тизимига оид бўлди. Шу мақсадда кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, тижорат банклари халқаро молия институтларидан ҳам маблағлар жалб этади.

Тадбиркорлик жамғармаси томонидан кафилилик бериш имкониятлари қўшимча 2 баробарга оширилади. Натижада қамида 15 минг нафар тадбиркорнинг кредит олишдаги гаров масаласи ҳал бўлади.

Албатта, кредит бу — масаланинг бир томони. Бизнес учун яна инфратузилма ва кафолатли бозор керак. Бу борада эса, дейлик, Тошкент вилояти билан олис ҳудудларда имконият мутлақо ҳар хил.

Шу боис учинчи йўналишда туман ва шаҳарларнинг шаеритидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш масаласи кўрилди. Келгуси йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва кафилилик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тадбирлар белгиланади.

Ерни хусусийлаштириш учун белгиланган сумма, яъни ер солиғининг 20 қарра-си миқдоридagi тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 қаррага, бошқа ҳудудларда 5 қаррага пасайтирилади.

Тўртинчи йўналиш тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи ҳимояси ҳақида бўлди. Ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш, тергов жараёнида мол-мулкни

хатлаб қўйишни фақат суд ҳал қилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилади. Жумладан, маъмурий судларга ариза беришда давлат божи ставкаси 2 баробар қамайтирилади. Тадбиркорларнинг солиқ идоралари қарорини устидан судга шикоят қилиш мuddати ҳозирги 1 ойдан 3 йилгача узайтирилади.

Бешинчи йўналишда тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Авалло, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо қораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Келгуси йилдан 26 та идоранинг такорланувчи назорат функциялари бекор қилиниши айтилди.

Давлатимиз раҳбари солиқ текширув-ларига оид жарималар тури қўлпиғи ва оғирлиғи бўйича жуда кўп мурожаатлар бўлганига эътибор қаратди.

Мисол учун, ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланмоқда. Яъни, кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхо-

налар учун ҳам жазо бир хил.

Президент барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши, жарималар миқдори тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмаслиғи кераклигини таъкидлади.

Умуман, энди савдо соҳасида ишлайдиган тадбиркорларни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган муаммо барҳам топади, яъни савдо қойдаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинади.

Адлия вазири ва Бизнес-омбудсманга тадбиркорларнинг тақлифларини чуқур ўрганиб, текширувлар мuddатларини қисқартириш, молиявий хато ва қамчиликларнинг минимал чегаравий миқдори-ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мулоқотда тадбиркорларни маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Давлатимиз раҳбари кўп иш ўринлари яратган, ўз соҳасида инновация ва ислохотлар қилган, эл-юрт орасида обрў қозонган бизнес вакиллари меҳнатини эътироф этиш учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий ун-воини таъсис этиш тақлифини билдирди.

Савдо-саноат палатаси фаолиятини та-

Ў.А.

Учрашув ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиса Танзила Норбоева мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Конгрессидаги “Ўзбекистон бўйича кокус”нинг ҳамраиси, конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегацияси билан учрашди.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Америка муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳрама қилинди.

Таъкидланганидек, охириги йилларда икки томонлама парламентлараро алоқалар динамикасида сезиларли фаоллик кузатишмоқда. Бу борада, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсати кўп жиҳатдан туртки бераётди.

БОЛАНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ВА ТАРБИЯЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТ АНИҚ БЕЛГИЛАНИШИ ЗАРУР

Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшashi керак, деган эзгу мақсад ҳамият ҳаётининг барча ҳаёҳасини қамраб олмақда. Юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар ва янгилашнишлар жараёнида ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни эса ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу маънода, белгиланган эзгу мақсад ва вазифаларга эришиш учун қонунчиликни қайта кўриб чиқиш зарурати бор, десак, айни ҳақиқат. Парламент, хусусан, Сенат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлган ана шу жиҳат сенаторларнинг доимий эътиборида бўлиб келаётди.

Мушоҳада

Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиғи фаолиятини такомиллаштириш концепциясида ҳам белгиланган берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 5 август куни бўлиб ўтган йиғирма тўққизинчи ялпи мажлисида қонунлар ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга ошirilган мониторинг натижалари атрофлича муҳожама қилинишидан қўзланган асосий мақсад ҳам олдимизга қўйилган вазифаларга эришишдан иборатдир.

Айтиш лозимки, мониторинг ўтказишга бир қанча омиллар сабаб бўлди. Яъни сенаторларнинг жойлардаги ўрганишлари, аҳоли билан бевосита мулоқотлари ҳамда қонунлар ижросининг ҳолати юзасидан ўтказилган таҳлиллар ушбу масалани кун тартибига олиб чиқди.

Хусусан, кўмитамиз томонидан амалдаги қонунларнинг ижродаги ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан олиб боришган мониторинглар натижалари бўйича ўтказилган ўрганишлар жараёнида ҳам бу борада муайян қамчиликлар мавжудлиғи маълум бўлди. Масалан, айрим қонунларни амалга ошириш механизми аниқ белгиланмаган, қўллаб ҳаволачи нормалар мавжудлиги боис соҳалар, асосан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда, шунингдек, айрим қонунлардаги нормалар бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган нормаларга зид. Бу эса фуқароларимизнинг ортиқча оворагарчиликларига сабаб бўлмоқда.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳусусида ҳам айни шу фикр-ни айтиш мумкин.

Гап шундаки, ушбу ҳужжат қабул қилинганга 15 йилга яқин вақт ўтган бўлиб, унда 10 дан ортиқ ҳаволачи нормалар мавжуд. Қамига, бу йўналишни тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларидаги нормалар бир-бирини такорлайди. Бу эса мазкур соҳадagi муносабатлар, асосан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинишига олиб келмоқда.

Қолаверса, қонунда болада ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган бўлса-да, унинг механизмлари аниқ очилмаган.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ФРАКЦИЯЛАР ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари атрофлича муҳажама қилинди.

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида дастлаб “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига волонтерлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжатда “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунни 91-модда билан тўлдириш, ушбу моддада Ёшлар ишлари агентлигини волонтерлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгилаш ва унинг ушбу йўналишдаги ваколатлари назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи белгилаш, бу орқали давлат органлари ва бошқа ташкилотларда волонтерлик фаолияти бўйича услубий ва маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа муассасаларнинг бу борадаги ишларини мувофиқлаштиришга олиб келади.

Йиғилишда, шунингдек, “Давлат молиявий назорати тизими ҳамда бегараз ёрдам доирасида келтирилган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод туманининг, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгариштириш тўғрисида”ги Қонунчилик па-

латаси қарори лойиҳасини муҳожамадан ўтказишди.

Таъкидланганидек, Наманган шаҳри Ўзбекистон Республикасининг географик нуқтаи назаридан шарқий қисмида жойлашган бўлиб, умумий аҳоли сони 661,8 минг кишини, ҳудуди эса 17,8 минг гектарни ташкил этади.

Қарор лойиҳасида Наманган шаҳрининг инвестициявий ва туристик ҳожи-бадорлигини ошириш мақсадида “миллионли шаҳар”га айлантириш учун шаҳарга чегарадош бўлган Тўрақўрғон тумани ҳудудидан 472,4 гектар ер майдонини қўйиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ҳужжатда шаҳарча аҳоли-сини муносиб иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида шаҳардаги мавжуд савдо ва маийий хизмат кўрсатиш объектларида, қолаверса, мавжуд 4 та кичик саноат зонасида 41,0 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш белгиланган.

Йиғилишда фракция ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

“Адолат” СДП фракцияси йиғилишида эътибор қаратилган “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига волонтерлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси билан Ёшлар ишлари агентли-ғи волонтерлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланмоқда. Унинг ушбу йўналишдаги ваколатлари ўз аксини топмади.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви органларининг бу борадаги аниқ ваколатлари назарда тутилиётганлиғи соҳани тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган ваколатларни тизимлаштириш, волонтерлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Қўзғин муҳожамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод туманининг, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини



ўзгариштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатаси қарори лойиҳаси атрофли-ча муҳожамадан ўтказилиб, кўриб чиқил-ган масалалар юзасидан фракциянинг те-ғишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари дастлаб “Волон-терлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекис-тон Республикасининг Қонунига волон-терлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар ки-ритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини би-ринчи ўқишда муҳожама қилишди.

Таъкидланганидек, мазкур лойиҳа орқали ваколатли давлат органига волонтерлик фаолияти соҳасидаги қонунчи-лик ҳужжатлари бузилишларини барта-раф этиш тўғрисида давлат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан бажари-лиш лозим бўлган вазифаларни бериш ваколати тақдим қилинмоқда.

Муҳожамадан сўнг қонун лойиҳа-сини янада такомиллаштириш юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилиб, қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг фракция йиғилишида “Давлат молиявий назорати тизими ҳамда бегараз ёрдам доирасида келти-рилган тиббий асбоб-ускуналардан фой-даланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Респу-бликасининг Бюджет кодексига ўзгариш-лар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳа-си кўриб чиқилди.

Қўзғин баҳс-мунозаларга бой бўлган фракция йиғилишида мазкур қонун лойи-ҳаси ҳам маъқулланди. Қон тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг теғи-шли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИМИЗ ЯНАДА ОШАДИ

Эсимда, енгил саноат соҳасида тадбиркорлик қилиб, ўз брендимни яратаман, деганимда орқаворатдан “Аёл кишига бунақани сермашаққат ишга қўй уриб зарил келибдимин”, қабилдаги гапларни эшитганман.

Дил сўзи

Ўзимда ҳам таваккал қилиб адашмадимман, эртага маҳалла-қўй олдига хижолат чекиб қолмасмиканман, деган хавотир бўлган. Лекин “Уйчининг ўйи биттунча таваккалчининг иши би-лади”, деб беҳиз айтишганман. Қатъият билан ишлашда давом этдим. Аста-секин корхонамиз фаолияти кенгайди.

Айни дамда 60 нафар ишчимиз бор. Вахо-ланки, бундан 12 йил муқаддам ихтиёриймизда атиги тўртта дастгоҳ бўлиб, беш-олти киши ишларди. Дастлабки кезларда вақтимнинг бир қисmini маҳсулотимизга харидор излашга сарфлардим. Кейин эса харидорлар бизни излаб келадиган бўлишди. 2019 йилда янги бизнес лойиҳани амалга оширишга киришдим. Натижада нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнимизни топдик. Ҳозир ойига ўртача 300 — 400 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотни экспорт қилаймиз.

Жорий йилнинг шу кунига қадар 2 миллион долларлик маҳсулотни чет эллик ҳамкорлари-мизга етказдик. Булар билан қияфланиб қол-моқчимасмиз. Замонавий технология асосида бўяш цехини барпо этиш тарадудидамиз. Бу корхонамиз экспорт салоҳиятини деярли икки бараварга ошириш, шунингдек, қамида 150 та янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Шу ўринда бир тақлифим бор. Биз одатда маҳсулотни дилерлар орқали сотамиз. Табиий-

Шоира БЎЛДИЕВА,
Бухоро шаҳридаги “Ruxshana Tekes”
хусусий корхонаси директори,
“Дўстлик” ордени соҳиб.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ишбилармонларга “Фаол тадбиркор” кўрак нишонини топиширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев, Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоров иштирок этди.

Рағбат

Унда таъкидландики, очиқ му-лоқотга тайёргарлик қўриш жара-ёнида тадбиркорларнинг мурожа-атлари ва тақлифлари Call-мар-казлар ва интернет-порталлар ор-қали қабул қилиниб, Инвестиция-лар ва ташқи савдо вазирлиғи ҳузурида ташкил этилган тадбир-корларнинг мурожаатларини жам-лаш ва таҳлил қилиш штабидa қайта ишланган. Штабга 12 015 та мурожаат келиб тушди, улардан 8 470 таси масъул вазирлик ва идоралар иштирокида ҳал қилин-ди. Қолган мурожаатларнинг ечи-мини топиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакат раҳбарияти томонидан эълон қилинган “Тадбиркорлар билан мулоқот ҳафталиғи” доирасида тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар раҳбар-лари, жаҳон даражасидаги етук экспертлар иштирокида видео-конференцалоқ тарзда тадбир-корларни қизиқтирган долзарб

«Халқ сўзи».



Ватанизм мустақиллигининг 31 йиллигига

АГРАР СОҲА: ЯНГИ ТИЗИМ, ЯНГИ ЮТУҚЛАР

фаровонлик ва иқтисодий барқарорликка қанот бўлмоқда

Ўзининг салбий таъсирини тобора кучли намоён этиб келаётган климдаги глобал ўзгаришлар, минтақадаги демографик жараёнлар, ер ва сув ресурслари чекланганлиги ҳар бир давлат олдида миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жиддий вазифаларни қўймоқда. Ушбу муаммолар ва аграр соҳадаги вазиятни замонавий воқеали илгари сураётган талаблар асосида чуқур таҳлил қилган ҳолда давлатимиз томонидан кенг қамровли ислохотларни жадаллик билан амалга ошириш юзасидан кейинги беш йилда тизимли чоралар белгиланди.

Кўшимча қиймат
санжири яратилди

Соҳани ислоҳ қилиш тажрибаси ва сабоқларига таянган ҳолда кейинги йилларда бу борадаги фаолиятни янгилик асосидаги муносабатлар билан такомиллаштириш, илм-фан ютуқлари ва илгор технологияларни амалиётга кенг жорий этиш ҳисобига қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш янги босқичга кўтарилди.

Жумладан, аграр соҳанинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий базаси ҳамда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда ўта муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган кўп йиллик муаммоларни бартараф этиш борасида тарихий ишлар амалга оширилди. Масалан, пахта етиштиришда мажбурий меҳнат, ҳатто бу каби юмушларга болаларни жалб қилиш ҳўллариға тўлиқ барҳам берилди.

Деҳқон аҳлининг шарафли касбини улуғлаш ва меҳнатини қадрлаш мақсадида махсус қўнун билан 2017 йилдан бошлаб ҳар йили декабрь ойининг иккинчи ақшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиғи хўдмилари қўни сифатида кенг нишонланадиган бўлди. Бу аграр соҳа меҳнатқашларига руҳан кўтаринкилик бағишлади, улар қалбида ўз касбига меҳр, ҳамият ҳаётиға дахлдорлик ҳиссини юксалтирди.

Сўнгги олти йилда амалға оширилган муҳим ислохотлардан бири соҳаға бозор муносабатларининг тизимли жорий этилгани ҳамда қишлоқ ҳўжалиғида қўшимча қиймат занжирини яратиш, яъни замонавий ва самарали усул — агрокластер ва кооперациянинг йўлга қўйилгани бўлди.

Бу даврда 122 та пахта-тўқимачилик, 152 та мевачилик, 64 та галлачилик, 35 та шўличилик, 7 та доривор ўсимликлар кластерларини ҳамда 11 та пахта-тўқимачилик кооперацияси ташкил этилди.

Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиғига сармояларини жалб қилиш тизими такомиллаштирилди. Хўрижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар киритаётган инвестициялар қўламини кенгайтиди ва салмоғи ошди. Масалан, қишлоқ ҳўжалиғига халқаро молия институтлари томонидан 2016 йилда 105,8 млн. АҚШ доллари микдоридида сармоя киритилган бўлса, 2020 йилға



келиб мазкур микдор 500 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Илм-фан ютуқлари —
самарадорлик мезони

Маълумки, пахтачилик ва галлачилик аграр соҳанинг етакчи тармоқлари ҳисобланади. Мазкур тармоқларни замонавий илм-фан ютуқлари билан уйғуналаштириш, янги навлар ва агротехнологияларни амалиётға жорий этиш борасида эътиборға молик натижаларға эришилди. Масалан, гўзанинг 30 дан ортиқ серҳосил ва тола сифати юқори навлари яратилди. 36 минг гектар гўза майдонларида томчилятиб сўғориш технологияси жорий этилди. Ҳар гектарига 40 минг туп қўшимча қўнат олишға эришилди. Қишлоқ ҳўжалиғи техникаси такомиллаштирилиши ҳисобига чигит экиш мавсуми 25 кундан 15 кунгача, галла экиш мавсуми 30 кундан 25 кунгача қисқарди. Самарали агротехнологиялар қўлланилиши натижасида пахта ҳосилдорлиғи гектарига 26 центнердан 30 центнерға, сўғориладиган майдонлардағи галла ҳосилдорлиғи 55,5 центнердан 70,9 центнерға кўтарилди. Галла ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилда 6 млн. 212,3 минг тоннани, 2022 йилда 7 млн. 226 минг тоннани ташкил этди.

Пахта майдонлари ҳамда янги интенсив бөг, узумзор ва иссиқхона ҳўжалиқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишда харажатларнинг бир қисмини давлат томонидан қўллаб бериш амалиёти қўлланила бошлагани натижасида 291,2 минг гектар майдонда бу самарали тизим таъбиқ қилинди. 280 минг гектар ер майдони қайта фойдала-

нишға киритилди. Чунки аҳоли сони ортиб бориши, ер ва сув ресурслари чекланганлиғи, ҳар қарч ердан самарали фойдаланишни, ҳосилдорлиқни илм-фан ютуқлари асосида ошириб боришни тақозо этмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиғини таъминлаш, элимиз дастурига сифатли ва арзон ноз-неъматларни янада кўпроқ етказиб бериш мақсадида пахтачиликда 252 минг гектар, галлачиликда 94 минг гектар майдон қисқартирилди. Бу йилларда 63,4 минг гектарда янги интенсив бөг, 49,6 минг гектарда тоқор барпо этилди, 204,5 минг гектарға сабза-вот, 28 минг гектарға полиз экинлари қўшимча экилди. Бундай кенг қўламли ислохотлар бугунги кунға келиб ўз мевасини бермоқда. Масалан, ўтган йили олдинги йилдағи нисбатан полиз маҳсулотлари 6,9 фоиз, картошка — 4,7, сабзавотлар — 4,1, мева ва резаворлар — 1,4, узум 5,5 фоиз кўп етиштирилди. Жорий йилда бозор расталари ва савдо дўконларидағи арзончилик замирида миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати муассам, десак, сира муболаға қилмаган бўламиз.

Мева-сабзавотларимиз
дунё бозорига чиқмоқда

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича олдиндан 100 фоиз тўлов шартлари ва уларнинг экспорт нарҳлари бекор қилиниши натижасида хорижға етказиб бериладиган маҳсулот турлари 34 тадан 68 таға ўсди, географияси эса 43 тадан 77 та давлатға кўпайди. Айтиш мумкинки, бөгбону соҳибкорлар ўзларига берилаётган имтиёзлар, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, жаҳон бозорига тобора кўпроқ маҳсулот чиқармоқда.

2016 йилда 560 млн. АҚШ доллари қийматида қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2020 йил якунида мазкур кўрсаткич 1,8 марта ошиб, 1 млрд. доллари ташкил этди. Жорий йилнинг январь — июль ойларида эса 550 млн. АҚШ доллари қийматиға тенг бўлган 968 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиниб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридағиға нисбатан 127 минг тоннаға ошган.

Мева-сабзавот етиштириш микдори ортгани сари, уларни саклаш, аҳолини илм — ўн икки ой давомидида доимий сархил маҳсулотлар билан таъминлаш ҳам давлатимиз раҳбари диққат-эътиборида. Бу борада қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш қуввати 2,5 млн. тоннаға, саклаш сифимлари 1,1 млн. тоннаға етказилиб, ички истеъмол бозоридида қишин-ёзин уларнинг нархи барқарор бўлишиға эришилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиғи техникасини сотиб олиш учун банк кредитлари ва лизинг бўйича белгиланган фоиз

ставкасининг 10 фоизини, техника харид қилинганда техника қийматининг 15 фоизини ҳамда пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун харажатларнинг 30 фоизини субсидиялаш механизми жорий этилди. Натижада соҳанинг техника билан таъминланганлик даражаси 2016 йилги 85 фоиздан 2020 йилда 92 фоизға етди.

Ўзига хос
солнома очилди

Аграр соҳада яқун келажақ ва истикболда амалға ошириладиган дастурий вазифаларни ўзида мужасам этган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиғини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларға мўлжалланган стратегияси қабул қилиниши мамлакатимиз аграр ва озиқ-овқат саноати равнақида ўзига хос янги солнома очди.

Ушбу стратегияда белгиланган 9 та устувор йўналишға мувофиқ сўнгги йилларда асосий ислохотлар амалға оширилишида сезиларли ютуқларға эришилаётир.

Илгор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, халқаро маркалар ташкил этилмоқда. Таълимда прогрессив тизимлар жорий этила бошланди. 2 та халқаро олий таълим муассасаси очилди, хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртилари билан ҳамкорликда бакалавриатура ва магистратуранинг 12 та таълим йўналиши ва мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланмоқда.

2020-2021 йилларда Ҳўкумат давлатнинг қишлоқ ҳўжалиғидағи ролини камайтириш ва инвестиция жозибадорлиғини оширишға қаратилган махсус чора-тадбирларни жорий қилди.

Хусусан, 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта етиштиришға давлат буюртмаси бекор қилинди. 2020 йилнинг 1 мартидан эса пахта ва галла етиштириш билан шўғуланадиган ҳудудларни тупроқ-иқлим шaroитларида келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич ихтисослаштириш тизими жорий этилди.

2021 йил ҳосилидан бошлаб бошоқли дон экинлариға давлат буюртмалари ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш, шу жумладан, дон экинларини сотиб олиш ва сотишда эркин рақобатини таъмин-

лайдиган бозор механизми жорий этилди ҳамда фермер ҳўжалиқларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизими такомиллаштирилди.

Ўзбек пахтасига нисбатан
бойкот тугатилди

Озиқ-овқат хавфсизлиғини таъминлаш борасида давлат буюртмаси тизимидан давлат захираси тизимиға ўтилди.

Ушбу ислохотлар натижасида пахта ва бугдой етиштирувчи фермер ҳўжалиқлари 2020 йилдан буюн маҳсулотларини бозор нарҳларидан келиб чиққан ҳолда сотиб, моддий манфаатдорлиғи ва даромадлари ортиб бормоқда.

2020 йилда бошланган пандемия ва у билан боғлиқ чекловлар оқибатида юзаға келган муаммоларға қарамасдан мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиғи ва озиқ-овқат сектори барқарор ривожланишда давом этди. 2021 йилда қишлоқ ҳўжалиғида 2020 йилдағи 2,9 фоизға нисбатан 4 фоиз ўсиш кузатилди.

2021 йилда агросаноат соҳасида 247 трлн. 474,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу мамлакат иқтисодиёти ялғи қўшилган қийматининг 36,3 фоизини ташкил этади.

Кейинги йилларда амалға оширилган жадал ислохотлар ва эришилган натижалар қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлиғида ёрқин акс этаётганлиға ҳаммамиз гувҳо бўлиб турибмиз. Қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг қиёфаси тобора янгилиниб шажар тусини олаётганлиғи, юртимизнинг ободлиғи ва дастурхонимиз тўқинлиғи давлатимиз томонидан юритилаётган халқлараро сибсат самараси эканлиғи халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилаётир.

Биргина мисол, жорий йилнинг 10 мартада “Cotton Campaign” халқаро коалицияси Ўзбек пахтасига нисбатан бойкот тугатилганини расман эълон қилди. Шу тариқа юртимиз пахта хомашёси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларға қўйилган тақиқ бекор бўлди.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиғи вазири маслаҳатчиси.

ЧИНАКАМ ИЖОД ҚИЛАДИГАН
ДАВР КЕЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик шодиёнаси яқинлашар экан, ҳар биримизнинг қалбимизни шўкроналик, қувонч ва бахт туйғулари чулғаб олади. Зеро, истиклол халқимизға ўз тақдирини ўзи белгилашдек улуғ ҳуқуқни берди, бугунги дориламон кўнларимизға пойдевор яратди.

Санъат ва маданиятимиз асрий аъёналар ҳамда замонавий талаблар асосида муттасил ривожланиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда соҳа тараққийида шундай ўзгаришлар рўй бердики, уларни устозларимиз бир умр орзу қилиб яшаб ўтишганди.

Фахр

Авалло, санъаткорларға муносабат ўзгарди. 15 апрель — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат хўдмилари қўни этиб белгиланди. Эркин ижод қилишимиз учун барча шарт-шaroит мўжайё этилди. Театрлар, кино ва санъат саройлари замонавий андозалар асосида таъмирланмоқда. Санъат ва маданият аҳлининг концерт-томоша тадбирлари, гастроль сафарлари ҳар томонлама рағбатлантириляпти. Узоқ йиллар меҳнат қилиб, миллий маданиятимиз, санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз шон-шўхратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этган соҳа фидойилари турли давлат мукофотлари билан тақдирлаб келинмоқда.



синтезатор каби чолғу асбоблари ҳақида эшитган бўлсак ҳам кўрмаганмиз. Санъатға бўлган муҳаббат тўфайли олдимизда турган ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтишға тўғри келган.

Давлатимиз раҳбарининг “Концерт-томоша фаолиятини амалға оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳам халқ хизматини қилиб келаётган ҳамкасбларимизни рағбатлантиришға қаратилган юксак эътибор намунасидир. Бу ғамхўрлиқни санъатнинг машаққатли меҳнатини бошидан ўтказган марҳум устозларимиз кўрганида, қанчалар шод бўлишарди! Негаки, кўп эшитганман, концерт ёки бирор тадбирға тайёрланаётган устозларимиз кўп вақтини ижод қилишдан кўра, турли идораларға ҳисобот, тушунтириш ишларини бажаришға сарфлашган. Айниқса, концерт қўйиб, элни хурсанд қилишни ният қилган санъаткор олдида турли тўсиқлар пайдо бўлади. Номи юқорида тилға олинган ҳўжжат эса ҳамкасбларимизни бундай “бошогриқ”лардан қўтқарди, ҳалос этди. Лўнда айтганда, чинакам ижод қиладиган давр келди...

Мавриди келганда, ўз фаолиятим ҳақида ҳам айтиб ўтсам. Аник эсимда: ўн яшар пайтимда қашқар рубобида қўшиқ айтардим. Бола эдик, аммо ўзимизча катта ашулаларни хиргойи қилиб юрардик.

Оиламизда ҳаммамиз санъатнинг, адабиётнинг муҳлисимиз.

Комилжон Отаниёзовдай улуғ ҳофиз камолға етган заминда тўғилганимдан, у киши танланган йўлдан бораётганимдан бир умр миннатдорман. Бу инсон ҳақида жудаям кўп гапириш мумкин. Аслида устозини “Буюк санъат афсонаси”, дея таърифласак, тўғри бўлади. Ҳозирги Хоразмдаги барча йўналишларнинг негизидида устознинг катта мактаби эмас, балки санъат академиясининг таъсири бор. Камини ҳам шулар қаторида улкан дарахтнинг бир новдасиман, ҳолос.

Юртбошимизнинг алоҳида меҳри ва эътибори тўфайли 2017 йилда улуғ устозимиз Комилжон Отаниёзов таваллудининг юз йиллиғи кенг миқёсда нишонланди. Хоразм ва Тошкентда тантанали тадбирлар ўтказилди. Устознинг уй-музейи обод қилинди. Маросимларда қўшни республикалардан ҳам меҳмонлар иштирок этгани бизға чексиз ғурур бағишлади.

Ҳар бир санъаткор дастурдаги вақтларда кимгадир ўшагисини келади, шу боис тақлид қилади. Мен ҳам улуғ устозларимнинг қўшиқларини қўйлаб юрганман. Кейин эса аста-секин ўз йўлимини топишға муваффақ бўлдим. Жуда яхши эслайман. 1988 йилда вилоят театр сахнасига биринчи бор устозимиз, раҳматли Олмаҳон Ҳайитова олиб чиққанди. Ушанда у киши мени алоҳида таърифлаб, эзгу тилақлар билдириб, оқ йўл тилаганди.

Шундай қўшиқлар бўладикки, йўлда юрган пайтингиздаман, машинада ҳам ёки бирон қутилмаган жойларда ҳам тўсатдан келиб қолади. Яна баъзи бир ижод намуналари борки, уни оилаб, йиллаб кутасиз. Керак бўлса, тунни тонгға улайсиз. Ана шунда ҳақиқий қўшиқлар яралиши мумкин. Бу қўшиқларнинг тарихи ичингиздағи дард, яъни ижодкорни оловлантириб турадиган бир туйғуга боғлиқ, десак, ҳато эмас.

2020 йилда камтарона хизматларимиз эвазига Ўзбекистон Республикаси халқ артисти унвони берилди. Юртбошимизнинг юксак эътиборидан жуда хурсандман, бахтлиман.

Олабек СОВИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ
ИНСТИТУТИПОЛОЦК ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
ТМИ-ПДУ ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТИ2022/2023 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚЎЙИДАГИ БАКАЛАВРИАТ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА ТЎЛОВ-ШАРТНОМА АСОСИДА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Шифр	Таълим йўналишлари/ мутахассисликлари номи	Жами
БАКАЛАВРИАТ, КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ			250
1	60410100/1-25 01 08	“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”	60
2	60411500/1-25 01 08	“Бизнес таҳлил”	100
3	60410400/1-25 01 04	“Молия ва молиявий технологиялар”	50
4	60410500/1-25 01 04	“Банк иши ва аудит”	40

Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом” талабларига мувофиқ қўйидаги икки босқичда ўтказилади:

Биринчи босқичда институт томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ муайян фанлардан кириш имтиҳонлари ўтказилади;

Иккинчи босқичда институтнинг буюртмасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан келишилган муддатларда қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган чет тилидан тест синови ўтказилади.

АБИТУРИЕНТЛАР ОНЛАЙН ТИЗИМИДА <https://sf-tfi-pgu.uz/> САЙТИ ОРҚАЛИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШЛАРИ МУМКИН.

CALL-ХИЗМАТ телефон рақамлари: 71-234-01-36, 71-235-13-21, 71-234-02-79, 71-235-50-66, 71-234-01-91.

“3+1” қўшма таълим дастурини муваффақиятли якунлаган битирувчиға
Тошкент молия институти ва Полоцк давлат университети
дипломлари берилади.

Ушбу жойда
Сизнинг рекламаниз
бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги
Реклама
бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Тахририятға келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишиға “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 04.15 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово



МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши